

Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

№14 (1081)

2025-йил,  
17-ИЮЛ,  
ПАНШАНБА

FARZANDLARI SOG'LOM YURT QUDRATLI BO'LUR!

# SOG'LOM AVLOD

MA'NAVIY-IJTIMOIY, TIBBIY-MA'RIFIY NASHR  
GAZETA 2000-YIL 27-UYUNDAN CHIQA BOSHLAGI

 FB.ME/SOGLUMUZ

 T.ME/SOGLUMUZ


 S-AVL0D2000@YANDEX.UZ

## Ёз – ўтмоқда соз!



**БУГУНГИ СОНДА ЎҚИНГ!**

**БЕМОР БЎЛГАНДА  
ҚАНДАЙ  
МАҲСУЛОТЛАРДАН  
САҚЛАНАМИЗ?**




7



**БАХТИЁР  
ШИФОКОРНИНГ  
БАХТ ФОРМУЛАСИ**

9

**БОШ МИЯДА ҚОН  
АЙЛАНИШИНИНГ  
БУЗИЛИШИ –  
АЛОҲИДА  
ПАТОЛОГИЯ  
ЭМАС. БОШ  
АЙЛАНИШИ-ЧИ?**



10

## Jamiyat

ТАШВИШЛАРДА  
БОРДИР ҲАЛОВАТ

Тошпўлат Ҳақбердиев. Бу инсон билан касабани уюшмалари иши юзасидан танишганимизга ҳам сал кам 10 йил бўлди.

Қачон учрашмайлик суҳбатимиз қизғин кечади. Таълим-тарбия соҳасидаги оғриқли нуқталар, инсон қадрли ва шаъни, боринги, ранг-баранг мавзуларда тортишамиз. У билимли, иқтидорли – рисолаларда битилгандек ҳисобчи. Шу билан бирга ўта камтарин ва самимий, болалар мисол содда ва беғубор. Тасавурида ҳисобчиларнинг устози бўлиб туғилгандек гўё.

Тошпўлат акадан ҳеч бир вақт «Мен ундайман, мен бундайман» маъносидаги баландпарвоз сўзларни эшитмайсиз. Ўзининг айтишича, ёлғиз қолган пайтларидан болалик хотираларини эслани ёқтиради.

– Раҳматли отам Расул ака жуда кўп вақтини бизлар билан, ўқиш ва таълим тарбиямиз билан, мутолаа билан ўтказарди, – деди яқинда дийдорлашганимизда. Колхоз раиси ва бригадирлари, идорада ишловчи ҳисобчилардан дўсту ёрлари тез-тез уйимизга ташриф буюрганда уларнинг суҳбати, иши ва кийиниш маданиятига ич-ичимдан ҳавасим келарди. Катта бўлсам мен ҳам худди шулардек бўламан, дердим отамга.

Мақтабни олтин медал билан тугатган, иқтисодчи-бухгалтерлик касбига бўлган иштиёқ Тошпўлат Ҳақбердиевни 1980 йилда Самарқанд кооператив (ҳозирги Иқтисод ва сервис) институтига етаклаб келди. Барча синовлардан муваффақиятли ўтиб, институт талабаси бўлиш бахтига муяссар бўлди. У талабалик йилларини бесамар ўтказмади.



Ўқиди, ўрганди, тажрибали устоз-муаллимларнинг этагини тутди. Ўз устига мунтазам ишлашни доимий одат қилиб олди. 1984 йилда институтни тугатиб, иқтисодчилик дипломини қўлга олди.

Доноларимиз инсон умрини оқар дарёга қиёслашади. Ўта шиддаткор ва чопқир... Қаранг-а, бугун Тошпўлат ҳожи бобонинг сочларига оқ оралабди. Ахир у бу йил баҳорда 63 ёшни қаршилади. Биласизми, у ана шу умрнинг сал кам қирқ йилини иқтисодчи – ҳисобчиликдек шарафли ва ўта сермашаққат касбга бахшида этди.

– Аввалига Навоий вилояти Хатирчи тумани «Янгиробод шаҳар Матлубот жамияти»нинг статист-экономисти сифатида фаолият кўрсатдим, – дейди Тошпўлат Ҳақбердиев. – Сўнг ҳарбий хизматни ўтаб, бир қатор ташкилот-

ларда меҳнат қилдим. Ҳамма вақт ўзим севган касбимда ишладим. Мана, ўн йилдан буён Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касабани уюшмаси Ургут тумани бўлинмасида ҳисобчилик қилиб келяпман.

Бу касб ҳақида гап кетганда, «яхши бухгалтер» деган иборага дуч келамиз. Ҳўш, «яхши бухгалтер» ким? У ўз касбдошларидан қайси томонлари билан ажралиб туради? Менимча ҳам «яхши бухгалтер» тушунчаси бор. У, энг аввало, ўз касбини мукамал ўрнатган бўлиши, ўз билимларини мунтазам ошириб боруви инсон. Тинимсиз изланади, илғор бухгалтерлик услубларини жорий этади. Ўз касбининг шон-шухратини кўтарди, шогирдлари ва ҳамкасблари ҳурматини қозонади. Содда ва самимий инсон, том маънодаги «яхши бухгалтер», шогирдлари қалбини фақат яхшилик билан забт этган Тошпўлат Ҳақбердиев фақат ва фақат ўқиди, ўрганди, энди эса шогирдларига ўргатапти...

– Ҳали қиладиган ишларим бисёр, – дейди Тошпўлат Ҳақбердиев. – Юртим учун, жонажон Ўзбекистоним учун муносиб кадрлар тайёрлашда бор кучимни, билимимни аямайман, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшаман, албатта.

Ҳа, Тошпўлат Ҳақбердиевнинг ором билмас қалбида орзулар қат-қат. Улар шунчалар мусаффо, тиниқ ва оппоқ...



**Ифтихор РАҲИМОВ,**  
Ўзбекистон Таълим ва фан  
ходимлари касабани уюшмаси  
Республика кенгашининг  
Самарқанд вилояти бўйича  
масъул ташкилотчиси

ХОДИМ «АВАНС»  
ОЛМАСДАН ОЙЛИКНИ БИТТА  
ҚИЛИБ ОЛИШИ МУМКИНМИ?

Жуда кўп ходимларни қизиқтирадиган савол бўлса керак, чунки ҳамма ҳам ойликнинг битта бўлиб тушишидан манфаатдор бўлади.

Меҳнат кодексининг 253-моддасига асосан ходимларга иш ҳақи тўлаш муддатлари жамоа шартномасида ёки ички ҳужжатда, улар мавжуд бўлмаганда эса меҳнат шартномасида шарт қилиб кўрсатилган муддатларда белгиланади ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас. Ходимларга ойлик иш ҳақи, қоида тариқасида, ўн олти кундан кўп бўлмаган танаффус билан икки қисмга бўлинган ҳолда (бунақда ва қолган қисми микдоридан) тўланади. Кўпчилик мазкур нормани нотўғри тушунган ҳалда иш ҳақи тўлаш муддати жамоа шартномасида ҳар ойда бир марта тўлайдиган қилиб белгиласа бўлади экан, деган нотўғри тушунчага боради.

Ходимнинг ўзи ариза ёзиб берган тақдирда ҳам иш берувчи ходимга аванс тўлаши шарт. Агар тўламаган тақдирда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасига асосан жавобгарликка тортилади.

ИНТИЗОМИЙ ЖАЗОНИ КАСАБА  
УЮШМАСИ ВА ХОДИМНИНГ  
ИЛТИМОСНОМАСИГА АСОСАН  
ОЛИБ ТАШЛАШНИНГ  
ЭНГ КАМ МУДДАТИ ҚАНЧА?

Меҳнат кодекси қоидаларида интизомий жазони олиб ташлаш учун минимал муддат белгиланмаган. Исталган вақтда интизомий жазо олиб ташланиши мумкин. Меҳнат кодексининг 315-моддасига асосан интизомий жазонинг амал қилиш муддати у қўлланилган кундан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак. Агар қўлланилган кундан эътиборан бир йил ичида ходимга янги интизомий жазо қўлланилмаса, у интизомий жазога тортилмаган деб ҳисобланади. Яъни бу дегани Иш берувчи томонидан интизомий жазо олиб ташланмаса ҳам ўз ўзидан бекор бўлиб кетади дегани.

Мазкур модданинг 3 қисмига асосан иш берувчи интизомий жазони ўз ташаббуси, ходимнинг бевосита раҳбарининг, касабани уюшмаси қўмитасининг илтимосномасига, шунингдек, ходимнинг илтимосига кўра, бир йил ўтгунча қадар муддатдан олдин олиб ташлаш ҳуқуқига эга. Интизомий жазони муддатидан олдин олиб ташлаш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Меҳнат кодексига интизомий жазони олиб ташлаш мутлақ иш берувчининг ҳуқуқи ҳисобланади.

Иш берувчи илтимосни рад қилишга, шу билан бирга интизомий жазони бекор қилишга ҳақли дейилмоқда, яъни у бунга мажбур эмас.

Интизомий жазо устидан шикоят қилиш мумкин. Ҳайриқонуний қўлланган интизомий жазо устидан ҳудудий меҳнат инспекторига, судга шикоят билан мурожаат қилиш керак бўлади. Бунда Меҳнат кодексининг 560-моддаси қоида буйича агар интизомий жазо сиз билан меҳнат шартномаси бекор бўлишига олиб келса, интизомий жазо қўллангандан сўнг бир ойдан кейин, агар ҳайфсан ёки ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизгача жарима қўллansa, 6 ой ичида судга мурожаат қилишингиз мумкин.


ҲАР ЙИЛГИ ҚЎШИМЧА ТАЪТИЛЛАР  
ҲАМ АСОСИЙ ТАЪТИЛГА  
ҚЎШИЛАДИМИ? ЖАМЛАБ  
ҲИСОБЛАШ НИМА ДЕГАНИ?

Меҳнат кодексининг 222-моддаси 1-қисмига кўра, ҳар йилги меҳнат таътилининг умумий давомийлигини ҳисоблаб чиқаришда қўшимча таътиллари ҳар йилги асосий энг кам таътил ёки ҳар йилги асосий узайтирилган таътилга қўшиб жамланади.

Бу нима дегани? Масалан, ходимнинг ҳар йилги асосий энг кам таътили 21 календар кунни ташкил қилиб, унга Меҳнат кодексининг 481-, 483-, 220-моддаларига асосан қўшимча таътил берилганда асосий таътил ҳисобланган 21 кунга қўшиб ҳисобланади ва қўшимча таътиллари учун ҳам ўртача ойлик иш ҳақининг сақланиши кафолатланади.

## УСТОЗЛИК МАСЪУЛИЯТИ

**ЗАМОНАВИЙ  
ЖАМИЯТДА ИҚЛИМ  
МУАММОЛАРИНИ  
ФАҚАТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЁКИ  
СИЁСИЙ ҚАРОРЛАР  
БИЛАН ЭМАС,  
БАЛКИ ОНГЛИ ВА  
ИЛМИЙ ТАРБИЯ  
ОРҚАЛИ ҲАЛ ЭТИШ  
МУМКИН. БУ БОРАДА  
ЎҚИТУВЧИНING РОЛИ  
БЕКЎСДИР.**



Бугунги илмий қузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, инсон фаолияти натижасида атмосферага чиқарилаётган иссиқхона газлари – асосан карбонат ангидрид, метан ва азот оксиди ер ҳарорати ошишига олиб келмоқда. Бу эса қурғоқчилик, ҳосилдорликнинг пасайиши, музликлар эриши, денгиз сатҳининг кўтарилиши ва миллионлаб инсонларнинг миграциясига сабаб бўлиш эҳтимолини билдиради.

Шундай шароитда ўқитувчи – энди фақат дарс берувчи эмас. У келажак авлод онгини иқлимга нисбатан масъулиятли қилиш орқали инсониятни экологик фалокатлардан сақлаб қолувчига айлантиради. Замонавий ўқитувчи ҳар бир дарсини нафақат билим бериш, балки глобал экологик масалаларни ёритишга қаратиши лозим бўлиб бормоқда. Айниқса, география устозлари талабаларни иқлим минтақалари, барқарор ривожланиш тамойиллари, ресурслар бошқаруви, энергия самарадорлиги каби тушунчалар билан таништириши зарур. Шу билан бир қаторда бу билимлар фақат экология ёки география билан чекланмайди, улар физика, кимё, математика ва ҳатто тарих билан узвий боғлиқ ҳисобланади.

Биз, ўқитувчилар, ҳар бир дарс машғулотларини бу глобал масъулиятга тайёрловчи майдонга айлантиришимиз керак. Табиий фанларда иссиқхона газлари ҳақида гап кет-

ганда – бу тушунчани фақат формула сифатида эмас, балки унинг ҳаётимиздаги оқибатлари билан боғлашимиз зарур.

Тарихда маданиятлар табиат бағрида қандай шаклланган бўлса, иқлим ўзгаришининг келажакдаги маданиятга таъсири ҳақида фикр юритишга ўргатишимиз керак.

Бунинг учун биз ўз устимизда ишлашимиз, фанлараро ёндашувни кенгайтиришимиз, ахборот технологияларидан кенг ва самарали фойдаланишимиз шарт. Келажак ўқитувчиси нафақат маълумот қабул қилиб уни ўқувчига етказиб берувчи, балки шу билан биргаликда мустақил қарор қабул қилишга тайёр шахс бўлиши лозим.

Келинг, келажакка масъулиятли, барқарор фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган келажак ўқитувчисини шакллантириш йўлида биргаликда ҳаракат қилайлик. Ҳар бир дарс машғулотларимиз, ҳар бир сўзимиз, ҳар бир ибратимиз – бу сайёрамизга, Ватанимизга ва инсоният келажакига қаратилган инвестициялигини унутмайлик.



**Нилуфар ЎРИНОВА,**  
Чирчиқ давлат педагогика  
университети Табиий фанлар  
факультети катта ўқитувчиси



Манба: Yuristlar maslahati